



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 26 февраль сешанба
Сотувда эркин нархда № 40 (2868)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 февраль кунин Оқсаройда АКШнинг "Кейс-Нью Холланд" компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино ҳамда мазкур компания директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

лоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Айтиш жоизки, у Ўзбекистон билан алоқаларни муттасил ривожлантириб бормоқда. Айни чоғда мамлакатимизда "Кейс" русумидаги гадал ва шолли ўрвучи комбайнлар, ер ҳайдовчи трактор ва

пахта терувчи машиналарнинг сонини 4,5 мингтадан орттириши таъмирлаш, эҳтиёт қисмларга таъмирлаш мақсадида "УзКейсервис" қўшма корхонаси тuzилган. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилган.

Умуман, компания билан ҳамкорлик самарали кечмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ривожини учун замонавий технологияга қўйилган маълум. Шундай экан, "Кейс-Нью Холланд" билан ҳамкорлик қўшма корхона ташкил этилди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида ўзаро шериклик муносабатларининг бугунги аҳволи ва иётиқбол билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йилги йўналишлар Президентимиз Ислам Каримов томонидан тараққиётимизнинг йўналишлари яна бир бор аниқ белгилаб берилди.

НУКУСДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлиси бўлди.

Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тоҳиёв бошқарди.

Қорақалпоғистонда ўтган йили иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ ҳўжалиги соҳаларининг бир маромдаги фаолиятини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Республикада 2000 йилга нисбатан ёттинчи қўшма ишлаш, шиша, озиқ-овқат ва матбаа соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми ортгани кузатилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2000 йилга нисбатан 11,6 фоиз, чакана товар айлананин ҳажми нисбий баҳоларда 15,7 фоиз ўсди, аҳолига кўрсатилаётган маиший ва пуллик хизмат ҳажми тўрт фоиз қўшди.

Лекин икки йилдан бўён давом этаётган сув танқислиги туйғайди қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажми анча пасайди.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қодир Аллоҳдан Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса доимий фаровонлик ва равақ ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиромлар ила,
Муҳаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни Қурбон ҳайити муносабати билан самимий қутлайман. Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, бахт, дўст ва қарлош ўзбек халқига эса омонлик ва фаровонлик тилайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Индонезия ҳукумати ва халқи номидан самимий табриклар йўллашдан бахтиёрман. Қодир Аллоҳ бизга доим маддадор бўлсин ва ислом умматига биродарлик ҳамда бирдамлик ато этсин.

Жаноби Олийлари, Сизга мустақкам соғлиқ ва муваффақият тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,
Мегавати СУКАРНОПУТРИ,
Индонезия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриклар йўллайман.

Сизга мустақкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий равақ ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ,
Иордания Подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу!

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда биродар ўзбек халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номидан самимий табрик ва энг яхши тилаклар йўллаш менга катта сурур бахш этмоқда.

Жаноби Олийлари, Аллоҳ таолодан бу муқаддас байрамни соғ-саломатлик, бахтиёрликда халқингиз ва ислом уммати эса тинчлик ва фаровонликда такрор ва такрор қутиб олишини сўрайман.

Башар Ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга самимий тилак ва табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда.

Аминманки, муқаддас байрам — Қурбон ҳайити ислом умматининг бирдамлигини янада мустақкамлайди, Ислам динининг равақига қўмак беради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса собит тинчлик, равақ ва фаровонлик тилайман.

Бадруддзо ЧАУДҲУРИ,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга мустақкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб, самимий табриклар ва эзгу истақлар йўллаш менга сурур бахш этди.

Қодир Аллоҳдан мусулмон умматига ушбу муборак кунларни тинчлик ила ато этишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиромлар ила,
Қобус бин САИД,
Уммон Султон.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу

Муборак Президент жаноби олийлари! Ўзбекистон диёриндан муқаддас Ҳаж сафарига келган ҳожилар номидан Сизни ва барча ватандошларимизни улуг айём — Қурбон ҳайити билан чин дидан муборакбод этмайми.

Ҳожиларимиз Макка муқаррамада Каъбаи муаззамани таваф қилиб, Мадинаи мунавварани зиёрат этиб, Мина, Арафот ва Мудалифада Ҳаж арконларини тўла адо этар эканлар, она-Ватанимизнинг келажига порлоқ, халқимиз тинч-омон, ҳаёти фаровон, мустаққилимизни пойдоеврининг янада мустақкам бўлишини Яратгандан илти-

жо қилиб, дуода бўлмоқдалар.
Ҳаж сафарига бораётган диёримиз фуқароларига ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар Сизнинг миллий қадриятларимиз ва динимизга кўрсатаётган оталарча — раҳматингиз намунаси деб биламиз. Ҳожиларимиз буни қалбдан ҳис этиб, Аллоҳ таолога шукроналар айтмоқдалар.
Ислам оламинеин муқаддас заминида турган барча ҳожиларимиз номидан Сиз, азиз Президентимиз ва халқимизни улуг айём билан яна бир бор қўтлаб, самимий ташаккур ва эзгу истақларимизни ихор этмайми.
Ватанимиз ҳожилари номидан

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.
Макка шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Ё.Исаевни Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Ёқубович Исаев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 февраль.

Тараққиётнинг янги поғонаси

Референдумдан кейинги ўйлар

Умумхалқ референдуми ўтганига ҳам бир ойча бўлди. Унинг натижалари эълон қилинди. Катта маслаҳат ўзгиртиришни аниқлаш, ўз тақдирининг ўзини белгилаш, демократик тамойилларни қарор топтириш, ҳуқуқий маданиятимизни ошириш борасида яна бир улкан воқеа, салмоқли қадам сифатида мамлакатимиз тарихидан ўрин олди, халқимиз оми, шурида нақшланб қолди.

Матбуот ва жамият

Катта сафарга отланган ё баланд чўққини кўзлаган одам маълум бир йўлни босиб ўтган, ортига қайрилиб қаради, ўзини таҳрир қилиб, нафасини ростлаган бўлиб энг режалар тўзди. Истиклолни қўлга киритган, истиқболни, азиз юртининг овоз ва обод бўлишини кўзлаган халқ ўн йил ўтган (бу давр ўз мазмунини, ўз миқёсига кўра юз йилларга татигулик-дир), босиб ўтилган йўлга яна бир назар ташлади, сарҳисоб этди, ўз кучи ва имкониятини чамадаб, салоҳиятидан келиб чиқиб янги режалар тўзди.

Референдум демократия синови, тарих имтиҳони, бир-бири билан чамабарче боғлиқ ва бирин-кетин амалга оширилган ислохот ва янгиланишлар замиридаги муҳим ҳақиқати, тараққиётнинг набатлари поғонаси, эркинлаштириш системининг мантйқий давоми, «қаммага дахлдор масалани кўчичлик биргалликда ҳал қилиши керак», деган қадимий тамойилнинг таъдиди сифатида мамлакатимиз соданоқидан ўрин олди. Чиндан ҳам, референдум ҳаммаимиз, ҳар биримиз учун ўзини ҳис синови бўлди, чунки шу кунин овоз берган фуқароларимиз системанин ижодкорига, тараққиёт бунёдкорига, бошқарувининг ҳал қилувчи кучига айланди. Шу кунин фуқароларимиз «Сен Ватан учун нима қилдинг, унга нима бердинг?», «Миллат равақига қандай ҳисса қўilding, унга нима бердинг?», «Кўшмоқчисан?» деган саволларни ҳар қачондан теран ҳис этишди ва жаноб қидиринди, ўз фаолиятларининг танқидий таҳлил қилишди. Айни чоғда бу кун қалбларидан Ватан туйғуси янада жўшиб, миллий тимсол ва рамзларимиз — маҳиямиз, байроғимиз, гербимизга ҳурмат-эҳтиром янада ошди.

Референдум — давлат аҳамиятига моллик энг муҳим масалани умумхалқ овозига қўйиб, оммага маълум қилиш эканлини аналдан билар эдик, кўпчилик хоржий мамлакатлар таърибасини пухта ўрганган, лекин ҳаёт ўзини билганимиз, ҳис этганимиз, ўз бошимиздан ўтказганимиз бошқа эканлини таъдидламоқда. Мустаққиллик йилларида ўтказилган референдумлар халқимизнинг ўз тақдирини ўзи масъул бўлиши, давлатчилигимизни мустаққамлаштириш, истиқбол режаларини тўзиш борасида улкан тарихий босқичлар бўлди.

Референдумга тайёргарлик жараёнида «Кенгашига кенг дунё» деган қадимий мақоланин нақадар теран, турмушқатлигини янада чуқур ҳис этдик, халқ дostonларидан «Элни йиғиб маслаҳат соли», деган ҳикмати қайта-қайта эсга олдик. Соҳибқирон Амир Темур ўз «Тузуқларида» ҳар бир инши кенгаш, машваратлар воситасида ҳал этиб, сўнг шу ишга киришганини таъкидлаган. Бу бежиз эмас, албатта. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўз асарларида эд, улус билан кенгашиш иш юртиш кўп ва хўп самара беришини уқтирганлар. Улуг шoirимиз «Али назм этки, тарихи тоза бўлай, Усулга майл беандоза бўлай», деганларида, деганларидан, қатъан санъат асарига нисбат берган эмас, албатта, бунинг маъносини кенг ва теран-дир.

Оммавий ахборот воситалари референдумга тайёргарлик кунларида жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш, одамлар дунёқарашидаги ўзгаришларни аниқрақ билан тилаб, қадим-бақдам акс эттириш, жараёнларга фаос аралашиб, кенг тушунириш ва тарғибот

(Давоми 2-бетда).

Муайтайчилар рингга кўтарилди



Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида муайтай бўйича Ўзбекистон чемпиони бошланди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан республика Муайтай федерацияси президенти А. Исаев мам-

лакатимизнинг тай боксчилари қисқа фурсат ичида дунёнинг энг кучли спортчилари қаторидан ўрин олганини мамнуният билан таъкидлади. Давлат хисомий тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б. Махситов чемпионати оқиқ деб эълон қилгандан сўнг бош ҳакам бахсларга сўз берди.

Муайтай — жиноятчиликка қарши! Муайтай — гнёҳвандлик ва терроризмга қарши! Муайтай — соғлом турмуш тарзи учун!

Худди ана шундай широрлар остида ўтаётган беллашуларда жаҳон ва қитъа чемпионатларининг голиблари ҳамда совриндорлари билан бирга 450 нафар энг спортчилар ҳам иштирок этишмоқда.

1 мартга қадар давом этаётган чемпионатнинг ўз вази тоифалари бўйича дастлабки чемпионлари 25 февраль кунин аниқланди.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда

• Чортоқда ташкил этилган «Ташаббус — 2002» кўриктанловининг туман босқичи мулкдорлар учун ўзига хос байрам бўлди. Танлов ҳайъати 76 нафар ишбилармон томонидан тақдим этилган истеъмол моллари билан танишиб, голибларнинг голибини аниқлади. Йилгига юз минг қутти чақалоклар озукиси ишлаб чиқарётган «Болажон» хусусий фирмаси «Йилнинг энг яхши тадбиркори», деб топилган бўлса, «Умаробод» фермер ҳўжалиги ва хунарманд Муҳайё Улмираева ўз йўналишлари бўйича устун эканликларини кўрсатишди.

• Фарғона шаҳрининг Ал-Фарғоний номи билан аталувчи шохкўчасидаги мухтешам бинолардан бирида «Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фарғона илм маркази» деган лавҳа пайдо бўлди.

• Бутун водий илм аҳлига хизмат қиладиган марказнинг айнан Фарғонада ташкил этилгани бежиз эмас. Чунки ҳозир вилоятдаги Давлат унверситети, Фарғона политехника, Кўпқон педагогика институтлари, Тошкент 2-тиб-биёт институтининг филиалида 100 дан зиёд фан докторлари, академиклар фаолият кўрсатипти.

• Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институтида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Уч авлод» деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирга институтда фаолият кўрсатиб кетган, ҳозирда пенсия ёшидаги уч юз нафарга яқин устоз-мураббийлар тақлиф қилинди.

• Институт равақи учун хизмат қилган собиқ ходимларга ҳомийлар томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, бир пиёла чой баҳонасида ўтказилган даврга институтнинг «Ипак парилари» даваскорлар дастаси файз киритди.

• «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Ешлар» телеканали ҳамда «Тарона рекордс» қўшма корхонаси билан биргаллик «Тарона — 2002» танловини ўтказди.

• Голиблар ўн икки номинация бўйича аниқланди. Жумладан, хонандлар Райхон Ғаниева ва Анвар Санаев йилнинг энг яхши эстрада қўшиқчиси номига сазовор бўлди.

«Халқ сўзи», ЎЗА, «Туркистон-пресс».

Чет элларда

• Кобулда янги радиостанция ишга тушди. Европа комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу радиостанцияни Афғонистон аҳолисининг 80 фоиз эшитиш имкониятига эга. Ҳар кунни эрталаб 6.30 дан 8.30 гача эфирга чиқадиган эшитириш дастурлари пуштон ва дарин тилларида олиб борилади.

• Кеча Покистоннинг Карачи шаҳридаги суд биносига америкалик журналист Дэвид Перлин ўғирлаш ва ўлдиринида асосий айбдор дег гуноҳ қилинаётган Шайх Умар кучли назорат остида олиб келинди. Суд жараёни ёпиқ ҳолда олиб борилмақда.

• Америка сенатининг разведка бўйича кўмитаси бошлиги Боб Грекам АКШда «Ал-қонда» экстремистик гуруҳига тегишли юздан ортик агентлар фаолият кўрсатмоқда, дея таъкидлади. «Бу Америка Қўшма Штатлари учун жиддий хавф тугдириниш мумкин», деди у яна.

• Италия суди бир гуруҳ тунисликларни «Ал-қонда» экстремистик ташкилоти билан алоқадда айблаб ҳужм қилди.

• Турт кишидан иборат бу гуруҳ сохта ҳужжатларга эгалик қилганликда, иммиграция ҳақидаги қонунни бузганликда ва бошқа жиноятларда айбдор деб тан олинди, 5 ва 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

• Исроил ҳарбийлари Иордан дарёси гарбий қирғоқдаги Ирусатнома пунктларидан бирида бир фаластинликни ўлдиринган, унинг рафиқаси ва отасини ярадор қилинган. Жараҳатланганлар олиб борилган шифохонадан ана шундай хабар беришган. Жабранганлар автомобилда шифохонага кетишди.

• Исроил томонининг таъкидлашича, бунга ҳайдовчи ишоратга тўхтамаганлиги сабаб бўлган.

• Кеча Гаагда собиқ Югославия президенти Слободан Милошевич устидан суд жараёни давом эттирилди. Унда айбловчи томонидан гувоҳлар сўзга чиқиш қутилмоқда.

• Британия Бош вазири Тони Блэр 2003 йилнинг 1 майида Европа валютаси бирлиги бўйича референдум ўтказмоқчи. Independent газетаси ана шу ҳақда хабар тарқатган. Унда давлат тасарруфидан фунт стерлинг олиниб, еврога ўтиш масаласи қўйилди.

«Интернет».

САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Курбон ҳайти муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда. Сизга мустақам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикасининг биродар ҳалқига давоний фаровонлик тиламан. Ушбу кутлуг кунлар мусулмон умматига тинчлик ва бирдамлик олиб келсин.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромлигимни қабул қилсангиз,
Сўзд Ал-Абдуллоҳ Ас-Салим Ас-САБОҲ, Кувейт Давлати Валиаҳди ва Бош Вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон уммати муқаддас байрам — Курбон ҳайитини нишонламоқда. Ушбу муносабат билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва биродар ҳалқига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсан ўз номидан эзгу ва самимий табриклар йўллашдан гоҳт мамнунман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва муваффақият, Ўзбек халқи ва давлатига эса доимий хотиржамлик ва раванқ ато этишини сўрайман.

Эҳтиром ила,
Ёсир АРАФОТ, Фаластин Муҳторияти Раиси.

Шунингдек, Курбон ҳайти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Туркиянинг Президентини Самир Мурат Нисево, Татаристон Республикаси Президентини Миятир Шаймиев, АҚШ Куралар Кўчалари Марказий қўмондонлигининг Бош қўмондони генерал Томми Френксдан табрик хатлари ва телеграммалари олинди.

Тараққиётнинг янги поғонаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлари олиб борди, жамоатчилик фикрини шакллантириш, омма онига таъсир қилишдек асосий вазифасини кўнгилдагидек уюллади. Энг муҳими, бу вазифаларни ортиқча дабдабасиз, босқинлик ва мулоҳазакорлик билан адо этди. Газеталар, радио ва телевидение, ахборот агентликлари ўз табиати, мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, ранг-баранг мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар беришди, улар далил ва далил, асосли ва мантқий фикр юритишга, қиссий таҳлил-таҳқиққа, ҳар бир курсатувнинг вазнин ва мароқиди чиқишига катта эътибор қаратишди, бу ижобий ўзгариш, яхши тамойилни бундан кейин ҳам давом эттириш, ривожлантириш мақсадга мувофиқ, албатта.

Референдум сабоқларидан яна бири шундан иборатки, кун тартибига қўйилган саволларнинг маъни-моҳиятини тушунишда арбоб ва депутатлар, олим ва адиблар, санъаткор ва журналистлар, муҳаррир ва мураббийлар, хизматчи ва ҳарбийлар, талаба ва ёшлар, хуллас, барча соҳа вакиллари фаол иштирок этишди. Бу — халқимизнинг ҳукуқий онига ошиб бораётганлиги, жамоатчилик, давлатимиз тақдирини, келажagini кўпроқ қизиқайётганлигини аниқлаётганлиги. Шу ўринда мен келса андолок вақтларни — отахонлар ва онахонларнинг, юртимиз келажagini — талаба ва ёшларнинг фойдаланиши алоҳида қай эътиборни истарим. Бунга Жаҳон тиллари университетини Халқаро журналистика факультети жойлашган, «Интел» махалласи референдум ўтказушни ушастка комиссияси эъзоси сифатида бир ой давомда ўзим гувоҳ бўлдим. Референдумга бағишланган барча тадбирлар, маъруза сўхбатларида, савол-жавобларда келса улар доимо фаол қатнашдилар. Зеро, «Дунё кешлар қағида, ёшлар кифидида», деб бежиз айтишмаган.

Ўзбекистон телевидениеси «Умумхалқ референдуми — халқ иродаси». «Сиеат оламид», «Парламент соати» рункларидида, «Ахборот», «Давр» дастурларида референдумга ҳодрлик билан боғлиқ турфа янгиликларини, шунингдек, мазкур масалалар тасавуриномини бойитишга хизмат этидиган мазмунда ва мароқли сўхбатларни мунтазам бериб борди. «Моҳият» рунки остида АҚШ, Япония, Франция, Германия каби ривожланган давлатларда икки палатали парламент тизими ҳақида улзуксиз бериб келинаётган телекўрсатувлар томошабинларда катта қизиқтириш уйғотмоқда.

Республика радиосининг «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Маъшала», «Дустилик» каналларида «Халқ иродасининг маъноси» умумий рунки остида ранг-баранг материаллар беришдики, улар референдум ва унинг тарихи, икки палатали парламент, Республика Президентининг конституцион ваколати муддатини 5 йилликдан 7 йиллик қилиб ўзгариши ва бунинг сабаблари ҳақида эриш тасавури уйғотди. Марказий савлоқ комиссиясининг раиси Абдураҳмон Аҳадов, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон марказининг раҳбари, профессор Аҳмад Саидовнинг туркум сўхбатлари радиосиёҳувида, телетомошабинларда катта таъсирот қолдириди.

Умумхалқ референдумни кузатиш мақсадида дуненинг кўпгина мамлакатларидан юртимизга халқаро таъшиқловчи вакиллар, жамоат арбоблари таъшир буриришган эди. АҚШ, Германия, Франция, Россия, Туркия, Араб мамлакатлари, Жанубий Корея, Исроилдан келган кузатувчиларнинг таъсиротлари ҳам мунтазам ериб бориладиган кувонорли ҳолиди. Айниқса, таъшиқ сиеатшунос олим Леонид Левитин билан сўхбат барчада катта қизиқтириш уйғотди. 27 январь кунини пойтхатнинг Санъат институти биносида жойлашган референдум ушастка овоз бериш учун келган Президентининг Ислон Каримовнинг чет элдик журналистлар учун берган интервьюси махсус кўрсатув сифатида тўла намойиш этилди.

Сир эмас, бир пайтлар оммавий ахборот воситалари орасида йирик тадбирларни ериштиришда пиҳоний мусобақа, яъни сон кетидан кувчи, иложи борича кўпроқ материал, тантанавор рапортлар беришга интилиш майли сезилди. Кейинги йилларда, айниқса, бу гапти референдумга таъйиғарлик ва уни ўтказиш жараянида бу мавсумбозлик кўзга ташланганга кишини кувонтириди. Газеталаримизда озу соз, айни чоғда сайёрий таъшиқ кенглиги ва юксаклигидан келиб чиқиб, теран, салмоқли мақола, сўхбатлар беришга, фикр-мулоҳазаларни мантқий далиллар, қиссий таҳлиллар, таъқиқлар билан асослашга интилишдек ижобий тамойил кўзга ташланди. Референдумга муносабат «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари саҳифаларида турли соҳа кишиларининг ранг-баранг жариди катта-кичик чиқишларида ўз ифодасини топган бўлса, «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Фидокор», «Миллий тикланиш», «Туркистон» ёшлар, «Сила ва жамоат» — хотин-қизлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Матрифта» — зиялилар, «Хўқуқ», «Инсон ва конун» — ҳуқуқшунослар, «Соғлом авлод» шифокорлар кўчиси назаридан келиб чиқиб, ўзига хос материаллар унинг беришди. Вилоят ва тармоқ нашрлари ҳақида ҳам шундай илтиқ фикрлар айтиш мумкин. Х.Юнусов, Ш. Жабборов, Б.Ризо, М.Қурбанов, Й.Жура-

ев, И.Эргашев, В.Каримова, Н.Умарова, А.Жонузоқов, А.Назар ва бошқа муаллифларнинг турли газеталарда чоп этилган мақола ва сўхбатлари мазмундорлиги, таҳлилга бойлиги билан кенг жамоатчиликка манзур бўлди. Мен шу ўринда олим Нигора Умарованинг «Халқ иштирокидаги бошқарув», шоир Бахтиёр Ризонинг «Демократия намойиши», сиеатшунос Хайдарали Юнусовнинг шу мавзуга доир туркум мақолаларини алоҳида таъқиқлаб ўтишни истар эдим. Мазкур мақолалар мазмундорлиги, мароқлилиги, муҳим далил ва маълумотларга бойлиги, табиий ва самимийлиги, профессионал савияси билан алоҳида ажралиб турди. Сиесий фанлар номзоли Н.Умарова: «Давлат қурилиши билан боғлиқ масъулиятни масъуллигини ечими халққа ҳавола этилган ҳар бир кишидан сиесий саволхонликни талаб этиди, чунки ўзини ҳурмат қилдиган ҳар бир шахс ўзи халқ қилдиган масъулият моҳиятини етишга ҳаракат қилади, шу боис, референдумга қўйилган масалаларга таълиқли ахборотларга ташналик сезади», деб ёздикки, бу оммавий ахборот воситаларида бевосита халқлардан, Муаллиф олим Т.Бенгит айтган «Икки дангир билан мустақамланган давлат келмаси тўғрисида қаршилик кўрсатишда қанчалик кўчга эга бўлса, икки палатали парламент ҳам ҳаётга янги силсилаларга шундай барош бера олади», деган яхши бир фикрини ўринли келтириб ўтди. Шоир ва публицист Бахтиёр Ризо «Демократия намойиши» мақолисида «Сайлов ва референдумлар ижтимоий-сиесий ҳаётимизда улкан сиесий воқеа бўлиши билан бир қатар, ортиқча дабдабозликдан, «ура-ура»чиликдан холи бўлиб бормоқда. Аксинча, халқимизнинг қонидида шарҳона собиллик, ваъинлилик, мулоҳазакорлик устуворлик қилдигани сабабли тобора ниҳанлик, ушоққонлик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ҳамжиҳатлик ва тотувлик руҳида ўтаётганлиги ҳам демократик айналарнинг миллий фазилатлар билан уйғунлашиб, бойиб бораётганлигини кўрсатиб турибди», дея ҳаммаиниқ дилдаги фикрларини ёзди.

Қирқ йилдан бери ижод жаҳасида камтарона қалам тегрибди, ўттиз йилдан ошқан журналист кадрларга сабоқ бериб келадиган муҳаррир ва мутахассис сифатида бир ҳақиқатини ички бир қониқтириш, мамнуният билан қай этмоқчи эдим. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларида катта гамхўрлик ва доимий эътибор кўрсатиб келинаётганга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ташкил топаётган янги-янги газета ва журналлар, радио ва теледустурлар ҳамда каналлар, ахборот агентликлари, нашриётлар, Миллий матбуот маркази, барча-барчасининг ташаббускорлари Президентимиз Ислон Каримовдир. Юртбошимизнинг истеъдодли журналист кадрларга катта ишонч билдириб, уларни масъулиятли, шарафли лавозимларга қўйётгани, хизмати сингган ижодкорларини тақдирлаётгани, доимий равишда матбуот конференциялари ўтказиши, турфа нашрлар, радио, теледустурларни мунтазам кузатиб, қимматли маслаҳат, кўрсатмалар бериб бориши, адабиёт, санъат ва журналистика соҳасига кўрсатаятган доимий гамхўрлиги бу жаҳабдан ўзини ва тарққията омил бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши, жаҳоннинг юртимизни танишида қалам аҳдининг ҳам хизмати, ҳиссаси салмоқли эканини назарда тутиб, Юртбошимиз 1999 йил 26 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрларини таъйиғарлик ва қайта таъйиғарлик тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига имзо чеккани, ушбу қарорга мувофиқ Жаҳон тиллари университетини таркибига Халқаро журналистика факультети очилгани, Олий ва ўрта махсус таълим, Молия вазирликларига журналистика факультетларини техниканий жиҳоз, зарур аксулалар билан таъминлаш учун маблағ ажратуши кўрсатилганлиги — доимий гамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Ҳозирги пайтда ушбу факультетда 400 нафар талаба таҳсил олмақда. Улар ўзинининг ҳамма хориждан тақлиқ этилган педагоглар, назоратчи ва амалиётчи мутахассислардан журналистика сир-асрорларини ўрганишмоқда, инглиз, немис, француз, испан, япон, хитой, корей, араб тилларини мукаммал эгаллашмоқда, чет тилларни яхши биладиган, қалам чархидан қолган икхторли талабаларимизнинг асарини нуфусли халқаро анжуманларда таржимон ҳамда журналист сифатида иштирок этиб, ўз икхторли намойиш этишга қолдириб...

Бир сўз билан айтганда, 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми мамлакатимизда демократик тамойиллар тантана қилдиганини намойиш этиб қолмай, фуқароларнинг фаоллиги, ҳуқуқий онига ошишда янги бир босқич бўлди. Бу улкан тадбир ОАВ учун ҳам муносиб имтиҳон бўлиб, ҳаммасларимиз бу синондан муваффақиятли ўтганига, сиеат томон ўзгартирилган кўп экинга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Референдум ўтди, лекин қилдиган ишларимиз хали кўп. Бир сўз билан айтганда, тараққиётимизга хизмат этиш оммавий ахборот воситалари учун доимий ҳаётий вазифа бўлиб қолаверади.

Сайди УМИРОВ, Жаҳон тиллари университетини Халқаро журналистика факультети декани, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕГАРАЗ ЁРДАМИ

Тошкентда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда мамлакатимиздаги айрим илм ва тиббиёт муассасалари ўртасида мазкур давлат ҳукумати кичик ҳажмдаги лойиҳаларга бегараз ёрдам дастури доирасида ажратилган грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 636 минг АҚШ долларидан ошувчи мазкур шартномалар Хоразм ва Қашқадарё виллоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги мактаб ва шифоналар учун ажратилган. Улар Япония ҳукумати янги ёрдам билан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Маросим иштирокчилари Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги барча жаҳабларда, хусусан, иқтисодий-сиесий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда самарали ривожланиб бораётганини қай этди.

(ЎзА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пахта ҳосилдорлиги, айниқса, Беруний ва Тўрткўл туманларида жула пасайиб кетди. Мазкур туманларда ҳосилдорлик 14 центнерга ҳам етмади. Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В.Отаев иштирок этди.

ТОШКЕНТ

Тошкент шаҳар фаолларининг йилгилишида бу даврда пойтахтда амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчилик ва ечимини кутаётган муаммолар атрофида муҳокама қилинди.

Шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган йилгилишида таъқиқлангидек, пойтахт бўйича ўтган йили худудий ички махсус ҳажми 697,1 миллирд сўмини ташкил этди. Аввалги йилга нисбатан ўсиш суряти 104,1 фоиз бўлди. Саноат махсусотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Ҳисобот даврида давлат даромадлари 296,9 миллиард сўмини ташкил этиб, белгиланган истикбол кўрсаткичларидан 2,1 миллиард сўм кўп бўлди.

Йилгилишида 2002 йилда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг макрокитисодий барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини жиқилтириш, қатъий молия ва кредит сиеатини ўтказиш бўйи-

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ча устувор вазифалар белгилаб олинди. Йилгилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов сўзга чиқди.

САМАРҚАНД

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарган йилгилишида, асосан, 2001 йилда қишлоқ ҳўжалиги тизимида, саноат ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Фаоллар йилгилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йилгилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Йилгилишида виллоят ҳокими У.Мирзақуллов бошқарди. Таъқиқлангидек, ўтган йили виллоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин виллоятда ечимини

кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Жумладан, ер қонунчилиги қўпол равишда бузилмоқда, суғориладиган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳўллари аниқланган. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, табиий ва минерал-хомаше ресурсларидан фойдаланишда ҳам камчиликлар бор. Электр, газ, иссиқ сув билан таъминлашда узиллишлар рўй бериб турибди.

Йилгилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов иштирок этди.

ЖИЗЗАХ

Йилгилишида виллоят ҳокими У. Яманқуллов бошқарди. Унда ютуқлар билан биргаллик жиқий муаммо ва камчиликлар ҳам борлиги алоҳида таъқиқланди. Масалан, саноат корхоналарининг ҳўжалик механизми самарали ишламапти. Ириқ корхоналарда рентабеллик даражаси жула паст.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш доимий эътиборда бўлмайпти. Агросаноат тизимидаги аҳвол бундан-да, ташвишланарли. Асосан қишлоқ ҳўжа-

лик махсусотлари ишлаб чиқарадиган виллоятда ўтган йилги режалар барбод этилди. Бунинг устига галлачиликда қишлоқ эшиқ факлари мавжуд.

Йилгилишида ер ва сув ресурсларидан умумий фойдаланиш дастури лозимлиги алоҳида қай этди.

Фаоллар йилгилишида Республика Бош вазирининг ўринбосари Т.Холтов сўзга чиқди.

КАШҚАДАРЁ

Вилоят ҳокими Б.Ҳамидов бошқарган йилгилишида 2001 йил воҳа леҳқонлари учун анча мураккаб келганига қарамай, қишлоқ ҳўжалигида аввалги йилларга нисбатан сезиларли ўзгаришлар юз бергани таъқиқланди. Биргина пахтачиликнинг ўзида 5 миллиард сўм даромад олинди. Пайчиқларга 500 миллион сўмлик дивиденд берилди. Сув тақчиллигини енгилаштириш мақсадида сув ўлчагичлар ўрнатиш, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чет тизими жорий қилинди ва у ўз самарасини бермоқда. Аммо виллоятда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сонин йил сайин қўлайиб бораётгани қарамай, уларнинг фаолияти, ташаббус кўрсатиб ишлаши ҳаминча ҳам етарлиқа қўллаб-қувватланмапти.

Йилгилишида Бош вазири ўринбосари У.Исмоилов иштирок этди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА муҳбирлари.

Омилкорлик — давр талаби

Аввал сен ерни тўйдир...

роитларининг оғирлиги, яъни катта нишаннинг мавжудлиги, аввало, тупроқ қопламини ташкил қилувчи увоқлик қисмининг қисқалиши ва бошқа имкониятлардан кен фойдаланишни чеклаб қўлади. Лекин улар ажойиб яйлов, боғ бўстонлар, қўрхоналар ўлкаси сифатида хизмат қилади. Иккинчи томондан, бу жойларда тупроқ қопламидан ўзига хос сув режими ҳамда ўсимлик дунёси билан тоғоли текисликлар тупроқ қопламини, экин экиладиган ерларнинг сув оқимини яхшилашда катта ўрин тутди. Худди шунингдек, даштун саҳраларда жойлашган бепеён тупроқ қоплами ҳам ўзига хос вазифаларни бажаради.

Шуни таъқиқлаб керакки, ер қанчалик умундор бўлмасин, меҳнат қилинмаса, ҳосил олинмайди. Шунинг учун халқимиз тўри айтгандек, бойикнинг қилми мекхатир. Гап тупроқ қопламидан ўзига хос сув режими ҳамда ўсимлик дунёси билан тоғоли текисликлар тупроқ қопламини, экин экиладиган ерларнинг сув оқимини яхшилашда катта ўрин тутди. Худди шунингдек, даштун саҳраларда жойлашган бепеён тупроқ қоплами ҳам ўзига хос вазифаларни бажаради.

Шуни алоҳида таъқиқлаш керакки, тупроқни иссон эмас, балки табиатнинг ўзи яратди. Шунинг учун ҳам у худди ҳаво, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси каби табиатнинг мўжизаси бор қисми саналди. Инсонлар ўз ҳаёти, айниқса, леҳқончилик фаолияти давомда уни яхшилаб парвариришда, маданийлаштириб экин экиладиган ерга айлантаради. Қўраимизки, тупроқни ерга айлантириш учун меҳнат сарфланган. Бу ўринда табиий бир савол туғилди: демак, ҳамма тупроқ қоплами ҳам ерга айланмаслиги мумкинми? Мумкин.

Қўйилган рақамларга эътибор берайлик. Модоҳимки Ўзбекистон худуди — қариб 45 млн. гектар майдон у ёки бу тилдаги тупроқ билан қопланган бўлса, унинг атиги 4,3 млн. гектари ҳақиқий экин экиладиган, қишлоқ ҳўжалик махсусотларининг қариб 95 фоизини берадиган умундор ерлардир. Қолган қисминини эса яйловлар, саҳралар, тоғлиқлар ташкил қилади. Табиат учун бу тупроқ қоплами керак, у умумхалқ захираси, унинг ҳам табиатда бажарадиган вазифаси бор. Жумладан, тоғли жойларини олайлик. Рельеф ва иқлим ша-

рдан қайта фойдаланиш муаммоси туғилди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, республикамизнинг тупроқ қопламидан бемалол икки марта ҳосил етиштириш имкониятига эга. Аммо бунда экинзорларнинг умундорлигини, уналги чиринди миқдорини бошқариш ва сув муаммоларини ҳам эътиборга қилинади. Албатта, ерга ортиқча минерал ўғитларни бермасдан ҳосил тақиб қилиш, юмошқ қилиб айтганда, ноинсофликдир.

Суғориладиган ерларнинг умундорлигини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини оширишда агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бироқ, оқич тан олдиш керак, республикамиз виллоятларида кузги шудгор, шўр ювиш, зоवर-коллекторларни тозалаш, суғорини шохобчаларини тартибга келтириш каби бир қатор ишлар сиесий бажарилаётгани йўқ. Каерда иш нотўри ташкил қилинса, шу ерда тупроқ умундорлиги камаяди. Демак, экинлар ҳосилдорлиги ҳам пасаяди. Йил охирига келиб эса, бари ай тупроқда, ерда бўлиб қолади.

Халқимизда: «Зар қақарини зарга билади», деган нақл бор. Уни эслашимиздан мақсад шуки, тупроқ, айниқса, суғориладиган ерлар умундорлигини сақлаш, уни шўрлантириш, сув ва шамол эриксиз каби табиий офатлардан асраш йўллари билан боғлиқ бўлиши, тупроқ билан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича жаҳон андозаларига мос дастурлар асосида мутахассислар келатганини ҳаётини ўзи тақозо қилмоқда. Шу ўринда «Республикамиз тупроқларидан самарали фойдаланиш йўллари билан қанчалар масаласи ҳал қилинганми?» деган ҳаққоний савол туғилди. Бунга биз «ҳа» деб жавоб беришимиз мумкин. Чунки ҳозирда жула кўпчилик олий ўқув юртларида тупроқшунослик, агрохимия, агротуқшунослик, тупроқ мелиорацияси, ер тузилиши, уналдан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича жаҳон андозаларига мос дастурлар асосида мутахассислар — бақалар ва магистрлар таъйиғармоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетини биология-тупроқшунослик факультетига Кадрлар таъйиғарлиш бўйича миллий дастурнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланиб, унинг иккинчи босқичини ҳаётга таъбиқ қилиш сари дадил қаламлар ташланмоқда. Бу борада, айниқса, тупроқшунос-агрохимия йўналиши бўйича қаарлар таъйиғарлиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулагановнинг таъйиғарлиги ва унинг таъсиротида бўлган «Узаверлоиҳида». Ер қақарини, тупроқшунослик ва агрохимия илмий-таъқиқот институти билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

Фақат шунгина эмас, мазкур институтида тупроқшунослик бўлимининг филиаллари мавжуд. Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари эса бу институтиларнинг илмий-

таъқиқот ишларида фаол қатнашмоқдалар. Ер ресурслари қўмитаси раҳбарияти ўз навбатида бўлимада таъқиқот ишларини янада қулайтириш, бу ишларга талабалар, магистр, аспирант ва ёш олимларни кенроқ жалб этиш мақсадида ҳўжалик шартномаси асосида катта миқдорда маблағ ажратаетир. Шунинг мамнуният билан айтиш лозимки, 1999 йилдан 2001 йилгача тупроқшунослик бўлими профессор-ўқитувчилари талаба ва аспирантлар билан биргаллик ҳўжалик шартномалари асосида республикамизнинг қариб 10 туманида 100 дан ортиқ ҳўжаликнинг тупроқ шартларини тузиб, ишлаб чиқаришга топширишди. Бунинг эътиборли томони шундаки, талаба — бўлиқ мутахассиси бевосита унда иштирок этиб, иш моҳиятини англади, уналдан фойдаланиш йўлини билди, ўз касбияти муҳаббатини, қизиқшини ошди.

Бироқ айни шу масалада ечимини кутаётган бир муаммо борки, у ҳам бўлса, республикамизнинг олий ва ўрта махсус таълим юртларида таъйиғарланган тупроқшунослик мутахассислари ўз соҳаларини бўйича жойларда ишга қабул қилинмапти. Бунинг асосий сабаби шуки, ҳўжалик бошқаруви тизимида тупроқшунос мутахассисини учун шаттининг ўзи йўқ. Ҳар бир жамоада бош ҳосилот, мирос, ер тузилиши, агроном-энтомолог каби лавозимлар бор-у, аммо тупроқни яхши биладиган, айниқса, давлатнинг катта маблағи ҳисобига тузилган тупроқ халқимизнинг яхши тушунадиган ва уни ишлаб чиқаришга бевосита таъбиқ этидиган мутахассис учун йили ажратилмагани қизиқ эмасми? Биз шунга қатъий ишончманки, яқин келажакда нафақат ҳар бир ҳўжалик учун, балки фермер, ширкат ҳўжаликларини учун ҳам тупроқшунос мутахассис керак бўлади. Чунки тупроқ, суғориладиган ерлар умундорлигини оширмадан туриб, мамлакат иқтисодиётини, айниқса, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга эришиб бўлмайди.

У.ТУРСУНОВ, Мирза Абдуллоқ номидиган Ўзбекистон Миллий университети «Тупроқшунослик кафедраси» мудири, профессор.

Т.АБДУРАҲМОНОВ, шу университетининг биология-тупроқшунослик факультети декани, доцент.

С.АБДУЛАЕВ, Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-таъқиқот институти директори, профессор.

...СЎНГ БАРАКА УМИДИН ҚИЛ!

Қишлоқ

Бозор сабоқлари

Тижорат банклари капиталининг моҳияти

Банкларнинг халқ ҳўжалигидаги мавқеи ҳақида сўз кетар экан, аввало, Президентимизнинг кўйидаги сўзлари ёдимизга келади: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият куриш учун, авваламбор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас».

Банкларнинг молиявий барқарорлиги эса, кўп жиҳатдан, уларнинг етарли даражада капиталга эга эканлигига боғлиқдир. Тижорат банки капиталининг моҳияти ҳусусидаги илмий изланишларнинг натижалари шуни кўрсатадики, банк капиталли, биринчидан, улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг ишончли манбаидир; иккинчидан, молиялаштиришнинг нисбатан қimmat шаклидир; учинчидан, банкнинг актив операцияларини ривожлантириш омиллидир; тўртинчидан, аҳолининг банкларга қўйилган омонатларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришни кафолатлайдиган ресурслар манбаидир.

Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг банк муассасаларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан аҳолининг ишончи банк тизимини муваффақиятли тарзда ислоҳ қилиш омилларидан биридир.

Банк капиталли унта нисбатан кредиторлар томонидан аниқ талаб, даъво мавжуд бўлмаган пул маблағларидир. Масалан, устав капиталли акционерларнинг маблағлари бўлиб, банк уларни мустақил равишда ишлатиши ва акционерларга дивиденд тўлайди. Ёки тақсимланмаган фойдани олайлик. Фойданинг ушбу шакли одатда банкнинг барча мажбурий тўловлар ва ажратмалар амалга оширилгандан кейин қолган пул

маблағларининг овоз қолдиғидир. Банк уни эркин тарзда тасарруф этади. Банк капиталини молиялаштиришнинг нисбатан қimmat шакли дейишига сабаб шундаки, бир қатор ривожланган хорижий давлатларда, айниқса, Ғарбий Европа томонларда балансининг пасивидида капиталнинг салмоғи юқори бўлган тижорат банклари капиталнинг салмоғи паст бўлган банкларга нисбатан кўп миқдорда фойда солиғи тўлайдилар. Бу ҳолат солиққа тортиш механизмининг ўзига хос хусусияти билан изоҳланади.

Тижорат банклари фаолиятига нисбатан Марказий банк томонидан қўлланиладиган иқтисодий нормативларнинг мутлақ асосий қисми банкнинг капиталига нисбатан белгиланган. Масалан, республикамиз тижорат банкларининг йирик кредитлари банкнинг биринчи даражали капиталидан саккиз мартадан кўп бўлмаслиги лозим. Ёки банк балансининг ликвидлигини тавсифловчи капиталнинг мақбуллик коэффициентини олайлик. Республикамиз банкларига нисбатан мазкур коэффициентнинг минимал даражаси 0,10 миқдорда белгиланган, халқаро стандартлар бўйича эса бу кўрсаткич 0,08ни ташкил қилади. Банк капиталининг мақбуллик коэффициентини ҳисоблаш учун банкнинг жами капиталли банк активларининг таваққалга тортилган суммасига бўлинади.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозаларга кўра, банк капиталли икки йирик қисмдан, яъни асосий капитал ва қўшимча капиталдан

иборат. Асосий капитал таркибига уч элемент кирди:

а) устав капиталининг тўланган қисми;

б) банк акцияларининг бозор баҳоси ўзгариши натижасида юзга келадиган фарқ суммаси;

в) ўтган йиллардан қолган тақсимланмаган фойда.

Банкнинг қўшимча капитал таркиби асосан қуйидагилардан иборат:

а) кредитлардан қўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари;

б) банкка тегишли бино ва ерларни қайта баҳолаш заҳираси.

Ушбу заҳира суммаси банкка тегишли бино ва ерларни қайта баҳолашдан олдинги ва кейинги баҳолари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Ўзбекистонда банкка тегишли ерларга нисбатан хусусий мулкчилик бўлмаганлиги сабабли банкларнинг балансида ерни қайта баҳолаш заҳираси мавжуд эмас;

в) субординациялашган қарз мажбуриятлари;

г) консолидациялашмаган шўба корхоналарига қўйилган қўйилмалар.

Бундай корхоналарга банк қошида очилган лизинг компаниялари, траст ва факторинг компаниялари кирди.

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашда қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги кузатишмоқда:

Булар банкларнинг асосий капитал таркибидаги муҳим элемент — банкнинг оддий ва имтиёзли акцияла-

рининг бозор баҳосини ўзгариши натижасида юзга келадиган фарқ суммасининг мавжуд эмаслиги. Бунинг асосий сабаби тижорат банклари қimmatли қўғозларининг фонд биржаларида фаол тарзда олди-сотди қилинмаётганидир. Яна бир муаммо — банкларнинг қўшимча капитал базасининг заифлиги. Республикамиз тижорат банкларининг капитал таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларининг, консолидациялашмаган шўба корхоналарига қўйилган қўйилмаларнинг мавжуд эмаслиги уларнинг капитал базаси заифлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, аввало, тижорат банкларининг фонд бозоридидаги фаолиятини жонлантиришимиз лозим. Бунинг натижасида асосий капитални ошириш учун реал имкониятга эга бўламиз. Шунингдек, тижорат банклари учун узоқ муддатли ресурслар етишмовчилиги сезилиб турган ҳозирги шароитда узоқ муддатли облигациялар шаклидаги субординациялашган қарз мажбуриятларини чиқариш банкларнинг капитал базасини мустаҳкамлашга ва банкларнинг узоқ муддатли қўйилмалари ҳажминини оширишга хизмат қилади.

Ҳамза САДАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тинловчиси.



TS-VIII®

Intel® Pentium® процессорлари асосдаги шахсий компьютерлар

TS TECHNOLOGY

Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, "Пойтахт" бизнес-маркази, Ғарбий томон, 2-йўлак, 29-офис. Тел./факс: (371) 1377291, 1377292.

Самарқанд ш., Кўксарой майдони, виллоят ҳокимияти биноси, 2-қават, 218-хона. Тел./факс: (3662) 336399, 337598.

E-mail: tstech@tstech.uz

TS-Palaria®

Оқилона баҳодаги катта имкониятлар!

Реклама Ва Эълонлар 136-09-25

JOB OPPORTUNITY

Financial Sector Development Agency (FSDA)

FSDA is the Project Implementation Unit (PIU) set up by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan (CBU) to implement the Financial Institutions Building Project (the Project) jointly carried out by the Government of Uzbekistan and the World Bank (the Bank).

FSDA now seeks to add a Deputy Director to its dynamic, hard working team. He/She will take all instructions from and report to the Director of FSDA.

His/her responsibilities will include, but not be limited to,

- Coordinating all staff activities in order for the project to reach each of its objectives and to be ran with maximum efficiency;
- Assisting in the procurement, management and monitoring of several contracts involving foreign consultants, auditors or suppliers of equipment;
- Liaising with CBU senior officers, the Headquarters of the Bank and its Office in Uzbekistan;
- Securing the respect of all procedures and guidelines, internal or as recommended by the Bank, especially for financial management and procurement;
- Ensuring timely submission of regular, detailed reports or plans to be examined by FSDA Supervisory Council (the Council) or by the Bank;
- Executing promptly all decisions of the Council or recommendations of the Bank;
- Deputizing for the Director, including at high level meetings with the Government, CBU, the Bureau for Bank Privatization, the commercial banks and other organizations;
- Liaising with the other international financial institutions providing assistance to the financial sector.

Qualifications

- University Degree, preferably in finances;
- Strong leadership skills allied with diplomacy, capacity to inspire trust, to clearly express complex issues or to negotiate them successfully;
- Two-years management experience, at least, in bank(s) with exposure to foreign counterparts;
- Good analytical skills applied to financial statements and IAS accounting;
- Good understanding of the financial sector and its operations;
- Excellent command of written and spoken English;
- Advanced experience of Microsoft Excel/Word/Power Point or similar programs;
- Excellent organization sense, reporting and interpersonal skills applied in differing cultural context.

You should also be

- used to deal with foreign consultants or counterparts, respect the possible diversity of approaches to a single issue but also be able to make decisions and re-focus energies;
- prepared to face sometimes conflicting interests and to arbitrate in the superior interest of the Project;
- ready to work long hours under tight deadlines;
- able to differentiate what is important from details, believe in the principle of delegation, and commit yourself to quickly acquire a thorough understanding of a complex Project.

Candidates interested in this position could send their curriculum vitae to the e-mail address: fibl@mail.tps.uz (contact telephone number 133-83-41) within a week following the date of this publication.

Божхона бекати

Қиғир ишнинг қийғи

Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан ўтган йилнинг ўзида 2700 дан ортиқ ҳўлатда акция маркази бўлмаган, чет элда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари ноқонуний равишда юртимизга олиб ўтилганда тўхталиб қолди. Бу — умумий қиймати қарийб 280 миллион сўмлик ситарет маҳсулотлари мусодала этилиши дегани.

Бу боралда Бухоро виллоят божхоначилари олиб бораётган ишларни ҳам қий қилиш урин-

дилар. 2002 йилнинг бошида оқ ва турмуш ўрғони Жўра Юсуфов билан бирликда ушбу ситаретларни туркманистонлик дўқорлардан сотиб олиб, қонуна хилоф равишда республикамизга олиб ўтишга урингандар. Мусодала қилинган юклар бўйича тергов ишлари олиб боришмоқда.

Муҳаббат ХўЖАМУРОВА.

ПетровЕС
www.petroves.ru
электрон тарозилар

Автомобиль, вагон, стол ва платформа тарозилари.

Сотув, сервис хизмати ва таъмирлаш

Расмий дистрибьютор
UCD Micros
www.ucdgroup.com Email: ucd_sale@yahoo.com; micros@ucd.uz

С. Азимов к. 72-а,
120-6861, 120-6862,
132-0661, 133-9913,
132-0685.

NORD-WEST
КОМПАНИЯСИНING РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Алюминийдан ишланган РОМ, ЭШИК ВА ВИТРАЖ ТИЗИМЛАРИ, шунингдек, алюминийдан ишланган турли рангдаги профиллар сотади.

Юқори сифат Арзон нарх Бепул ўлчаб, отказиб ва ўрнатиб бериш.

Исбиклик сакловчи Чандан сакловчи Товушни пасайтирувчи Рангини ўзгартирмайдиган Ҳаво ўтказмайдиган шишали қатлам

Алюминий ва цинкдан металлдан ишланган электрон дарвозалар тайёрлаймиз

тел.: (371) 144-01-93 144-04-56
манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй, 3-хонадон.

2002 — Қарияларни қадрлаш йили

Ҳиммат

Халқимизнинг бой мероси, юксак маънавияти, бетакор анъаналари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Кексаларга ҳурмат, уларнинг изатини жойига қўйиш ана шундай улмас қадриятлардан биридир. Зеро, эл-юрт манфаати, Ватан бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилган инсонлар ҳар қанча эъзозу эътиборга лойиқ.

Бу гапларга урғу бераётганимиз бежиз эмас. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан барча жойда бўлганидек, пойтахтимиздаги Сирғали туманида ҳам биримунча ишлаб амалга оширилмоқда. Узоққўл бормайлик. Туман ҳудудда яшовчи 50 дан зиёд отахон ва онахон ҳўмиларнинг беиминат ердими билан Қурбон ҳайити арафасида Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент виллоятдаги тарихий гўшаларни зиёрат қилишди.

«Тошшаҳарйўдовчитранс» уюшмаси таркибидидаги «Йўловчи» виллоят ҳўми масъулияти чекланган жамият барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олди, зиёратчиларга хизмат кўрсатиш учун 4 та микроавтобус ажратди.

Орамизда савобталаб инсонлар беҳисоб. Шунинг таъкидлаш керакки, жамият ҳайдовчилари мазкур ҳайити иш учун сарфланган 200 миң сўм маблағни ихтиёрий равишда тўпладилар. Бунга уларни ҳеч қим мажбур қилгани йўқ.

Жумладан, Алишер Исмоилохунов, Фарҳод Баҳодиров, Александр Макаров, Бахтиёр Бобожўаев ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан 25-30 миң сўм нақд пул ажратди.

— Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кўпгина талбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз, — дейди туман ҳўкимиси Р.Розмуҳамедов. — Бу табиий ҳўл. Зеро, кекса авлод олдидида қаримиз жуда кўп. Биз хонадонларимиз файзи ва кўрки бўлган отахону онахонларнинг изатини жойига қўяр эканмиз, бу билан ёш авлодни эрга анъаналар руҳида тарбиялашга хизмат қилган бўламиз.

Дарҳақиқат, шундай, Дунёда фақат яхшилик ва эзгулик қолади. Туман ҳўкимлиги, фахрийлари қўлаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилган ушбу талбир фикримизга кичик мисолдир. Сирғалилик отахонлар ва онахонлар шу кўни шаҳримиздаги Темирийлар тарихи давлат музейи, «Шоҳидлар хотира-си», «Мотамсаро она» мажмуи, Зангиота ёлғорлиги ва бошқа диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиб, бир олам таассурот олишди. Улар учун тушлик дастурхони ёзилди.

Носир ТОШЕВ,
«Жалқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 25 июлида №0012/4 рақамли йиғини асосда фойдаланган

«OSIYO-AUDIT»
аудиторлик компанияси

қўйидаги хизматларни таклиф қилади:

- сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш ва ҳўлоса бориш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш;
- йил довомида аудиторлик хизмати кўрсатиш;
- консалтинг ва бошқа молиявий фаолиятга доир хизматлар кўрсатиш.


Республиканинг барча виллоятларида компаниянинг шўба корхоналари мавжуд.

АЛОҚА УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОН: 136-11-60.

Боқий қадрият

ШАҲРИСАБЗ ҚАЛЪАСИ

Ўтмишда қандай бўлган, ҳозир қай ҳолатда?



Шаҳрисабз қалъаси... Неларнинг гувоҳи бўлмаган у? Қалъа мустақам паҳса девор билан ўралган. Паҳса деворнинг қалинлиги 8-9 метр, баландлиги 11-13 метр, узунлиги 5-6 километр бўлган.

Шундай бўлса-да, қолдиқлари сақланиб қолган. — Хайриятки, Мустақиллик бўлиб, қалъа омон қолди. — дейишди ҳамсухбатларим. — Унинг гирд тевараги уй-жой қуриш учун одамларга бериб юборилган.

Ўтмишда қандай бўлган, ҳозир қай ҳолатда? — Шаҳарнинг тарихий қисмида транспорт қатновини камайтиришни мўлжаллаётимиз, — дейди туман ҳокими Шомурод Ражабов. — Бунинг учун бир қатор ишларни амалга оширишга тўри келади.

пешонамиз қалъа деворига теҳкандай бўлди. Ҳовли тор. Уй қалъа деворига тиралиб турибди. — Худого шукрки, Шаҳрисабз яна жаҳон назарига тушди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Шаҳрисабз ҳақида шаҳарга Амир Темур орденини топширган чоғида Президентимизнинг айтган гапларини яна бир бор ёлга олинг. Шунда шаҳардаги ҳар бир тарихий обидани кўз қорачиқидек асраб-авайлаш зарурлиги ва аҳамиятини тушуниб етасиз.

— Бўлган. Фақат у... Кайта қилиш лозим эди. Маблағ йўқлиги учун турувди. Маблағ топиб бердик. Ҳозир лойиҳа устида ишланаётти. Шаҳрисабзда 20 дан зиёд гоёт ноёб тарихий обида бор. Уларни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш катта куч, айна чоғда пухта уйланган тадбир, режани талаб қилади. Бош лойиҳа бўлмаса, бу ҳақда қандай гап бўлиши мумкин? Шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан албатта кўп ишлар қилинади. Бунга шубҳа йўқ. Аммо шундай иш қилиш керакки, Шаҳрисабз ўзига хос чиройга эга бўлсин. Етти иқлимдан келган сайёҳ лолу ҳайрон қолсин. Бунақа иш ўзбекистон қаби ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлидан бораётган кудратли давлатдагина бўлади десин. Аждоғларимиз ақл-заковатига қойил қолгани сингари бизга — уларнинг авлодларига ҳам қойил қолсин. Албатта шундай бўлади. Айни кунлардаги сайёҳ-ҳаракатлар шундан далолат бериб турибди.

Таълим ислоҳоти



Қўтлуғ қадам

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида битирувчилар кечаси бўлиб ўтди. Қарийб уч йил мобайнида «Қўриқлош» хизмати бўйича таълим олган талабалар янги офицерлик мундирини кийиб, мутахассислик дипломини олишти. Шунга оид ҳақиқат таъкидлаш жойизки, мактаб жамоаси мазкур ўқув дарғоҳининг нуфузини янада ошириш, биллими мутахассислар тайёрлаш, энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Қўриқлош тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ иккинчи босқичини амалга ошириш борасида бундан буён намунавий ўқув дастурлари асосида бакалавр ва магистрлар тайёрлашни режалаштирган.

замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди. Сирғали худудидида ўқув-лаборатория бинолари, клуб ва бошқа бир неча иншоотлар қайта таъминланди. Ҳозирда янги спорт иншоотлари, ўқув-ўтириш минораси қурилишлари давом эттириляпти.

Ҳозирги кунда малакали мутахассислар тайёрлаш учун бизда моддий-техника ва ўқув услубий материаллар етарли. Мактаб профессор-ўқитувчиларининг 40 фоизга яқини илмий унвон ва даражага эга. Улардан 2 нафари фан доктори, 5 нафари номзодлик диссертациясини олиш арасида турибди. Шу босма мактабимиз кейинги босқичда бакалавр ва магистр даражасидаги мутахассисларни тайёрлашни режалаштирган. Бугун битираётган 34 нафар мутахассис ҳам мактабимизда олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичлари бўйича таълим олиш имконига эгадирлар. Ёш мутахассисларимиз ёнгинга қарши кураш идоралари, сафларини тўлдирдилар, мамлакатимиз бойликлари, фуқаролар ва давлат мол-мулкларини, муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларни ўз ҳаётларини тикиб бўлса-да, ёнгиндан сақлайдилар, деб умид қиламиз. Мактаб жамоаси уларга омад ва муваффақият тилаб қолади.

Ички ишлар вазирлигининг Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 август қарорига асосан Ёнгиндан сақлаш олий техник муҳандислиги мактабининг Тошкент факультети ҳамда Тошкент ёнгин-техник билим юрти базасида ташкил этилган эди, — дейди мактаб бошлиғи, полковник Матросов Собиров. — 2001 йилдан буён Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби деб аталади. Ўтган йилларда мактабининг янги 9 қаватли ўқув-лаборатория биноси қурилиши тугалланди ва

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Универсиада — 2002»

Келаверсин меҳмонлар!

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг май ойи охирида Бухорода «Универсиада — 2002» талаба ёшларининг спорт мусобақалари ўтказилади. Мазкур тадбирга таширф буюрадиган жами 2800 га яқин талабанин 750 нафари Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтининг ётоқхоналарида истиқомат қилиши режалаштирилган. Хўш, бу ерда меҳмонларни кутиб олишга қандай тайёргарлик кўриляпти? Талабаларнинг бир ҳафта давомида мусобақалардан бўш пайтида дам олишлари, дўстлар ортиришига қандай шароитлар яратилади?

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деб ётоқхоналарни айландик. 500 ўринга мўлжалланган 7 қаватли биринчи ётоқхона тўла таъмирдан чиқарилибди. 252 та хона икки ўринли қилиб қайта жиҳозланган. Ётоқхонанинг канализация, иссиқ-сувқ сув, иссиқлик узатиш, электр ёришни тармоқлари бутунлай янгиланибди.

дейдн институт жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Жума Ҳайитов. — Ўтказилган ниҳоллар кўкка бурканиб, экилган гуллар чирой очганда Бухоромизини танимай қоласиз. Буларни вақтида сугортиш учун ери ости сувини фойдаланиш ускунасига 3,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Чиндан ҳам, авваллари ташлаб қўйилган ётоқхоналарда бўлаётган бугунги ўзгаришларни кўриб баҳри дилнинг очилади. Бу ҳам мамлакатимизда соғлом авлодни, етук спортчиларни тайёрлаш бўйича яратилган ўхшашли йўқ уч босқичли тизимнинг мевасидир.

Мазкур институтнинг ободончилиги ишлари давом этган ҳудуди Бухоро Давлат университетини билан туташиб кетади. Шунинг учун ана шу икки илм даргоҳи оралиғида мусобақаларнинг Олимпия шаҳарчаси яратилади.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

— Меҳмонлар келаверсин, уларнинг таширфидан биз хурсанд бўламиз, — дейди институт ректори вазирафини бажарувчи Н.Алиёқуллов. — Чунки тайёргарлик ишларини анча олдин — 2000 йилнинг апрелида бошлаганимиз. Ҳозирчага тайёргарлик жараёни ниҳоятга етди ҳисоб. Эндиликда сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бораёмиз. Шу кунга қадар 187 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик.

Солиқ ҳаёти

Заҳарли ёғ

Файрат ёш бола эмас, оилади, бир нафар фарзанди бор. Маълумоти олий. Мутахассис сифатида тадбиркорликнинг қонуни-қоидаларига яхши тушунади. Оқ-қорани яхши танийди. Шунга қарамай, уйда яширин ёғ цехи очганини кўриб, солиқчилар ҳайрон бўлишди. Наҳотки, уй шароитида тайёрланган қўбола ёғда заҳарли моддалар тўлалигича сақланиб қолишини у билмаган бўлса.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деб ётоқхоналарни айландик. 500 ўринга мўлжалланган 7 қаватли биринчи ётоқхона тўла таъмирдан чиқарилибди. 252 та хона икки ўринли қилиб қайта жиҳозланган. Ётоқхонанинг канализация, иссиқ-сувқ сув, иссиқлик узатиш, электр ёришни тармоқлари бутунлай янгиланибди.

Яна бу ноқонуний ишга ёшлангандан Ноҳир Кўчқоров билан Собиржон Уруновни ҳам жалб эттибди. Улар Файрат Нурматовнинг пуч ваъдаларига учиб, жиноятта шерик бўлиб қолишганини кейин билишди. Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасига тушган тежкор маълумот асосида солиқ хизмати ходимлари сохта тадбиркор Файрат Нурматовнинг Ўзбекистон тумани Дашқасан қишлоғидаги хонадонини қўздан кечирганлариди, ўринча олиб келинган чигитдан яширин цехда тиккоро ёғ тайёрлаб сотилаётганини тасдиқлади. Цехда 3 та фўлганда 104 килограмм қўбола ёғ харишларини кутиб турарди. 200 килограмм чигит эса ёғ тайёрловчи аппарат ёнига уйиб қўйилганди. Нарироқда бир умид кунжара ҳам бор эди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди. Энди яширин цехни чигит билан таъминлаб келган «ҳомий»лар ҳам маълум бўлиб қолса, ажаб эмас.

Шу тарихда вилоят солиқ хизмати ходимлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда кейинги ойларида 11 та яширин ёғ цехи фаолиятига тек кўйдилар. Оғули ёғ ишлаб чиқараётган сохта тадбиркорлар энди жазосиз қолмайдилар. Пулга тузоқ қўйган тадбиркорлардан яна бири Тошкентда қўлга тушди. Фуқаро Улғбек Сиддиқов Ипакчилик илмий-текшириш институтига қарашли биноларнинг бирини ижарага олиб, яширинча қўлотилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборган экан. Текширув ўтказилган кун у

180 донга қўлотилган сут маҳсулотини 95 минг сўмга пуллашга улгурган экан. Ичкарида сифат сертификати бўлмаган 350 килограмм шакар, истеъмол муддати кўрсатилмаган 1,1 миллион сўмлик 2115 донга қўйилтирилган сут маҳсулотини, Литва Республикасининг Марямпол шаҳридаги сут маҳсулотлари заводида тегили 3000 донга ёрлик турарди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди.

Шу ерда ўринли савол туғилди: ноқонуний цех фаолиятидан наҳотки институт раҳбарлари бекзабар бўлсалар? Ахир ижарага берилган биноларда қим нима иш билан шугулланаётганини назорат қилиш керак-ку. Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги заводи ҳудудида ижара шартномаси асосида хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган фуқаро А.Умаровнинг қилмишлари ҳам У.Сиддиқовнинг қилмиши фаолиятини амалга ошириш учун ҳеч қандай ҳужжати бўлмаса-да, бу ерда печене маҳсулотини тайёрлаб, нақд пулга сотиш билан шугулланиб келган экан. Қисқа муддатли текширув давомида тиббий кўриқдан ўтмаган, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган тўққиз нафар ёш-яланг цехда ёлланиб ишлаётгани, улар кучи билан сифати шубҳали хом ашёлардан 2 миллион сўмлик печене маҳсулотлари тайёрланиб, нақд пулга сотилгани маълум бўлди. Цехда яна 150 минг сўмлик тайёр маҳсулот харидорларини кутиб турарди. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари бошланди.

Жасур НОСИРОВ.

САВОЛ БИЗДАН...

Лотинчадан айнан таржима қилинганда элчи маъносини берувчи сибсий арбоб қандай аталади? Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби: Янги Гвинейдаги Жая чўққиси, баландлиги 5030 метр.

UCD Micros компанияси тақдим этади!

Металлопластикадан ром ва эшиклар. Сифати немисларникидай. Ҳўхлаган шакл ва ҳажмида. Ўлчаш ва манзилга элтиб бериш текин. Иссиқлик ва шовқин муҳофазаси. МАТРИА КОНДИЦИОНЕРЛАРИ. Сувқ кунда «Қиш-ёз» сплит системаларининг шовқинсиз илиқ ҳаво оқими. Тинчлик, хотиржамлик бўлсин!



Манзилгоҳ: С. Азимов кўч., 72-а. Телефонлар: 136-04-49; 132-07-14; 132-07-21 www.ucdgroup.com okna@ucd.uz

Хўрматли хонимлар ва жаноблар! «АСАКА» БАНКИ 2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини 30%дан 50%гача камайтирганлигини такроран эълон қилади. «Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди!

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ, М. ЕГОРОВ, Ш. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Иқтисодиёт, Маълумот ва маърифат, Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар, Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм, Янгиликлар ва халқро ҳаёт, Котибият, Эълонлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан сақлаланди. Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Муасхадх — Ш. МАНРАББОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Таҳририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 22.00. Топширилди 21.00. 1 2 3 4 5 6